

★ ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 80 (65956)
1996 йил, 30 октябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нарҳда

Д У Н И Ч И

СОҲИБҚИРОН МЕҲРИ БОР...



Қизалоқ матога гул тикарди. Дуппи, нимча, зарбоф чопонларга зар толалардан шакл берарди. «Иш»ларини энг аввал онасига, тугарак раҳбарига курсатди, маслаҳатлар олди, камчиликлари бўлса, тугатди. Чунки унинг тикканларида соҳибқирон меҳри бор эди-да.

Ниҳоят у орзиқиб кутган кун келди. Пойтахтимиз Тошкентда, Республика техник ижодиёт марказида Амир Темура бобомизнинг 660 йиллик туйига бағишланган танлов

утказилди. Унда мустақил мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ижодкор ўқувчилар иштирок этишди. Танловда фахрли 3-уринни эгаллаган қорақалпоғистонлик 7-синф ўқувчиси Н. Жуманиёзовнинг қувончи чексиз эди.

Суратда: Республика техник ижодиёт марказининг зардўзилик тўғараги аъзолари қорақалпоғистонлик ижодкор ўқувчиларнинг «иш»ларини қизиқиш билан томоша қилишмоқда.

Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.

● «Тонг юлдузи почтасидан»

КУРАШДА УЧ ЁШЛИЛАР

«Зув-зув», «Туптош», «Лапта», «Қармоқ», «Қалъа». Бобо-бувиларимиз, ота-оналаримиз болаликда уйнаган ушбу миллий уйинлар ҳақида кўп ҳикоялар эшитгансиз. Ҳатто баъзиларингиз кучада уйнаб уларнинг «сир»ини урганиб олишга ҳам улгургансиз.

Яқинда Жомбой туманидаги «Камалак» болалар боғчасида юқоридаги ўзбек халқ миллий уйинлари буйича кичкинтойлар беллашуви ўтказилди. Мусобақада тумандаги еттига боғча болакайлари иштирок этишди.

Биринчи уринни «Камалак», иккинчи уринни «Наргиз», учинчи уринни эса «Гулшод» болалар боғчаси уч ёшлилари ҳамда олти ёшлилари бўлишиб олишди.

Ашурали АХМЕДОВ.
Самарқанд вилояти.

ЙУЛДА ЯШИЛ ЧИРОҚ...

Усмон Юсупов туманидаги «Миришкор» қишлоғида Норча Нуриддинов номли мактаб бор. Бундан ун йил аввал бу ерда «Учкун» деб номланган ёш автоинспекторлар гуруҳи ташкил этилган эди. Утган вақт давомида йул ҳаракатининг назоратчилари «Яшил чироқ» республика телевизион мусобақасида қатнашиб голиб бўлишди. Қанчадан қанча тенгдошларига йул ҳаракати қоидаларини ургатиб, куча ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлашда ҳисса қўшишди.

«Учкун»чи Марҳабо Зарипова, Ҳидоят Узоқова, Руҳиддин Хусенов, Зилола Чулиева ва бошқаларнинг жажжи ўқувчилар, боғча болалари уртасида олиб бораётган тушунтириш ишларидан барча мамнун.

Файзулла ЭШКУЛОВ.
Қашқадарё вилояти.

САВОДХОНИК БАЙРАМИ

Тошкент шаҳридаги 216-мактабда қизиқарли байрам бўлиб ўтди. Унда Гулнора Адамбекова раҳбарлигидаги I-гимназия синфи кичкинтойлари иштирок этишди. Кичик ёшдаги ўқувчилар бир ярим ой давомида лотин алифбосини қандай ўзлаштиришгани куриқдан ўтказилди. Бундан ташқари жажжилар қушиқ ва рақслар ҳам ижро этишди, қардош ва дўст мамлакатлар тилларида шеърлар ўқиди.

Тантаналарда Эрон ислом давлатидан ташриф буюрган ҳурматли меҳмон Меҳроб Гажабий болаларга ва уларнинг устозларига ўз табрикларини изҳор этди. Тадбир сўнггида Гулнора опа Адамбекованинг «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотлангани эълон қилинди.

Наргиза ЁКУБОВА,
Тошкент шаҳри.

Ўзим таҳсил оладиган Абулқосим мадрасасига бугун ҳаммадан эрта келиб, «Мухтасар» китобимни очдим ва мутолаага энди берилгандим ҳамки, бир-икки томоқ қириш билан шарпа бериб, қоровул амаки кўриндилар. Аслида бу даргоҳнинг доимо саранжом-саришталиги, эшикларининг вақтида очилиб, ёпилишига «кўз-қулоқ» бўлиб турувчи бу инсонни «қоровул» дейиш бир оз ножоизроқ, толиби илмларнинг дўсти дейиш маъқулроқ бўларди.

— Тақсир, бир оз барвақт келиб, дарс қилай дебдилар-да, — дедилар менга ва — тунов куни бир хижолатпазлик иш бўлди, — суҳбатдош топилгандан мамнун гап бошладилар, яна.

Отахон айтган воқеанинг ҳаммасини мен ҳам ўз кўзим билан кўргандим, аммо амакининг гапларини сукут билан

тингладим.

Сиз ҳам ҳар якшанбада бўлаётган «Кўнгил кўчалари» видеофильмини кўраётган бўлсангиз керак. Ўғри йигит ва жабрланувчи қиз саҳнасини мадрасамиз олдида олишаётганди. Яхшигина кийиниб олган қиз ба-

**«УНДОК
БЎЛСА УЗР,
АРТИСТ
БОЛАМ»**

майлихотир келарди. Унинг ортидан югуриб келган йигитча қизнинг сумкачасини, рўпарасидан келган бола эса зиракларини олиб қочади. Неча бор «Ёрдам беринглар!» садоси эшитилса-да, атрофдагилар парво қилишмайди.

Дод-войни эшитган ва бу воқеалар «кинонинг иши» эканлигидан беҳабар отахон илмгоҳимиз эшигидан шошилиб чиқади-ю, «ўғри» йигитча-

ларнинг бирига ташла-ниб қолади. Токи «ҳимоячи» ҳамма нарсага тушуниб етгунча артист бечора бир-икки мушт еди шекилли.

Шундай қилиб, кадр бузилди, қайта суратга олишга тўғри келди. Режиссёр жигибийрон. Буларнинг барига бизнинг амакимиз «айбдор» эди.

— Э, ундок бўлса узр, артист болам! — кечирим сўради отахон. Мен бўлсам «Атрофда шунча мусулмон туриб, бир ожизани қақшаб қолишига йўл қўйишибди» деб зардам қайнаб кетибди.

Менинг ушбу воқеани сизларга ҳикоя қилиб беришдан мақсадим — ўзбегимнинг кийин дамда бир-бирига кўмақдошлик, аёлларни эъзозлаш, меҳр-шафқатлилик, мардлик, жасурлик каби фазилатларидан фахрланишимни баён қилишдир.

Камол СОЛИЕВ,
Тошкентдаги Абулқосим мадрасаси 2-босқич толиби.



Мен соҳибкирон Темурнинг юрти Кешданман. Албатта ҳозир шаҳримизнинг номи Шаҳрисабз деб аталади. Негадир буюк бобомиз Амир Темур яшаб утган бу Ватанда

Азиз болалар! «Билим кучда, куч билимда», «билимсиз бирни йиқар, билимли мингни» каби саҳифаларимизни куп ўқигансиз. «Билмагандан билган яхши, тўғри ишни қилган яхши» — деганларидек ҳамиша билим олишга даъват қилганимиз, билимдилар ҳақида, иқтидорлилар тўғрисида мақолалар ёритиб, ёшликда билганинг тошга ёзилгани, шунинг учун бил, ўқи, урган, деганимиз рост. Бугун ҳам Жиззах вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи муовини О. Исоқжонов билан болаларни билимдонликка йўналтириш ҳақида дилдан суҳбатлашадимиз.



— Кичиклигимда катталарни жуда ҳурмат қилардим, — дейди Олимжон акангиз. — Улардаги яхши хислатларни эгаллашга интилардим. Ҳар бир гапининг тўғрилигига ишонардим. Энди эса ўзим катта бўлиб, катталар ҳам тўғри гапирвермаслигини, аниқроғи ҳар бир гапининг устидан чиқарвермаслигини билдим.

— Нега? Узингиз болаларга гамхўрлик қиладиган, талабчанлигу эътиборингиз қанча булса, ҳаммасини исботи билан амалга оширадиган вазифадасиз. Сиздаги тушкун кайфият, кунгилдаги уз ишидан қониқмасликдан ҳайронимиз.

— Вилоятимизда 493 та умумтаълим мактаблари, 16 та ҳунар билим юрғлари, 36 та мактабдан ташқари, 235 та мактабгача тарбия муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бу муассасаларда 2800



Поездимиз Тошкент томон тобора яқинлашар экан, гилдиракларнинг шақир-шуктури қалбимда бир ҳаяжон уйғотиб борарди. Бунинг сабаби, аввало, кундан кунга

яшайганимдан юрагим фахр туйғусига тула. Сизнинг «Тонг юлдузи» газетангизнинг саҳифаларида бериб борилаётган Темур ҳақидаги қизиқарли мақола ва суҳбатларингизни мароқ билан ўқиб бораман.

Болалигимдан газетани яқин

ИМКОНИЯТНИНГ ИККИ ФОИЗИ

сирдошим, гоҳ дугонам, гоҳ дустим десам булади. Эсимда, олий ўқув юртида янги муаллимлик қила бошлаган пайтларим эди. Ўқувчиларимдан бирининг бир оз хомуш юра бошлагани диққатимни тортиди. У билан дангал гаплашмоқчи бўлдим, мусузлар топа олмай, хато қилиб қуйишдан чўчидим. Ниҳоят, қулай фурсат келди. Унинг кунлиги қул солдим. «Ҳа, бор-йўғи шунга ҳафа буласанми, ахир дунёда битмайдиган иш йўқ-ку» уйладим

ичимда унинг дилини билгач.

Бирок унинг математика фанини яхши билмагани учун узи ҳурмат қиладиган қиз: «сен иккичилсан, ургатган билан бўм-бўш мианга ҳеч нима қирмайди» деганда унга нақадар оғир ботганини ҳат-

то мен ҳам унчалик ҳис қилмаган эдим: Аввалига усмирга нима маслаҳат беришни уйлаб роса бош қотирдим. Ана шунда қадрдоним газетам ёрдамга келди.

Кечқурун «Тонг юлдузи», (уша вақтда «Ленин учқуни»)ни варақлаб утириб кичкинагина мақолага кўзим тушиб қолди. Унда аллақайси академикнинг болалигида бир қизни ёқтириб қолгани тўғрисида математикани чуқур ўзлаштириб, ҳатто олимпик даражасига етгани ҳақида ёзилган эди. Худди

нафар бола тарбияланмоқда. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам истиқлолнинг неъматларидан тўла баҳраманд бўлганларича йўқ. Бунга битта мисол айтаман: Ҳокимият қошида болалар фонди жамғармаси ташкилланган. Ҳар бир ҳокимлик ўз тасарруфидаги билим масканлари ва билим олаётган ёшларни ўзи рағбатлантиради. Аслида эса бу рағбатни биз ўрнида, ўз жойини топиб ишлатишни яхшироқ ундайимиз. Демак, бевосита болаларни билим олиши, уларнинг иқтидори, интилиши билан қизиқадиган маъсул халқ таълими ходимлари-ку. Демак, ҳатто

халқ хунармандчилигига оид зардўзлик, ўймакорлик, каштачилик, кулолчилик ва шунга ўхшаш тўғарақлар сони кўпаймоқда. Хунарманд ўқувчиларимизнинг доимий кўргазмасини ташкиллашадимиз. Еш мухбирларимиз албатта ўз газеталарига, билимдон, хунарманд дўстлари ҳақида мақола ва лавҳалар ёзадилар. Вилоятимизда фаолият кўрсатётган иккита гимназия, 11 та иқтидорли болалар лицейида 1410 нафар ўқувчи таълим олар экан, ўтказилаётган фан олимпиадалари, санъат байрамлари иқтидорли болалар анжуманлари каби кўрик-танловлар ўз самарасини берар экан, нега бун-

шунинг учун кўзимга етказдим. Бола анча вақт уйлаб қолди. «Курдингми, инсон узидаги имкониятнинг лоқақал икки фоизини ишга солса ҳам унга билимлар эшити ланг очилар экан» дедим.

Хуллас, газета баҳона мактабимиз яна битта математик билан бойиди. У ҳар дамда бизнинг яқин кумақдошимиз бўлиб келаяпти. «Тонг юлдузи»нинг ҳар бир сонидан мен ҳам, ўқувчиларим ҳам куп нарса урғанамиз.

Барча газета ва журналларга обуна давом этаётган ушбу кунларда мактабимизнинг купчилик ўқувчилари келгуси йил учун фаоллик билан обуна бўлишмоқда.

Газетага айтар гапим, ўқувчилари куп бўлиши учун янада ўқувчилар оламига дадилроқ кириб борсин.

Гулнора ШУКУРОВА,
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев номли мактаб ўқитувчиси. «Ўқитувчи-95 кўрик танлови голиби»

БИЛИМЛИГА ЁРУФ ДУНЁ

шу соҳада ҳам қиладиган ишларимиз талайгина. Эртанги кунимиз бугунги кун болаларининг билимдонлигига, ахлоқ-одобига боғлиқ. Ватанини, ота-онани, китобни севишга, уларни асраб-ардоқлашга ўрганган фарзандлардан ёмонлик чикмайди. Вилоятимиздан, маълум бўлишича, сизнинг «Тонг юлдузи»га ўқувчилардан жуда кам хат ва хабарлар келар экан. Обуначилар сони камлигидан бўлса керак бу. Демак ўз газетасини ўқий олмайдиган ўқувчиларимиз ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини ҳам кўнгилдагидек олиб бормабимиз... Ваъда бераман. Бундан кейин вилоят болалар ва усмирлар ижодиёт маркази қошида «Тонг юлдузи» мухбирлари штабини ташкиллашимиз. Обунани ҳам кўпайтиришга имконият топамиз.

Болаларнинг қизиқишига қараб, лаёқатлигини саралаб, тўғарақларга жалб этиш, фойдандан холи эмас. Вилоятимизда

дан республика болалари беҳабар бўлишлари керак? Ютуқларини ўртоқлашадиган, камчиликларини барҳам топишига ёрдамлашадиган газета — «Тонг юлдузи»! Қизим Севара 3-синфда ўқийди, Гуландом эса 2-синфда. Фаррух ўғлим 6 ёш. «Бойчечак» боғчасига боради. Уларнинг интилишлари, гап-сўзларининг қизиқишларини ўзи бир жаҳон. «Фунча», «Гулхан» ёки «Тонг юлдузи»нинг тили — уларники. Суратли, безакли, болалар оламида баҳраманд қиладиган бу нашрларни нега ўқимаслиги керак, улар? Демак, вилоятимизда обуна масаласига кам эътибор бериб, биз ота-оналар ҳам куп нарса ютқазибимиз. Ўзим-ку бўш пайтимда машхур одамлар ҳаёти билан боғлиқ газета ва журналларда босилган материалларни йиғишни яхши кўраман. Қарийб 20 йилдан бери йиққанларим том-том китобларга арзийдиган бўлган. «Тонг юлдузи» ҳам «Фунча». «Гул-

хан»лар ҳам бундай мавзуларга тез-тез қайтарди. Демак, мен ҳам ютқазибман. Бу лавозимда ишлаётганимга аниқроғи бир йилу тўрт ой бўлди. Вилоят халқ таълими бошқармасида мактабгача ва мактабдан ташқари ишларни назорат қилар эканман, янги бинолар қурилишига эътиборни қаратдим. Ўтган йилиёқ ҳамма кулайликка эга бўлган шундай бино ишга тушди.

Олимжон Исоқжонов вилоятда йилдан-йилга янги турдаги муассасалар ортиб бораётгани ҳақида қувониб гапирди. Болаларнинг нутқини устириш, саводга ургатиш борасида боғчаларда бир мунча ишлар амалга оширилибди. Вилоятдаги мактабгача тарбия муассасаларида 1500 бола чет тилларини урганишадиган экан. Таълим муассасаларининг ярмидан ортиги, Республика халқ таълими вазирлигининг ёрдами тўғрисида замонавий компьютерлар билан таъминланибди. 1996-97 ўқув йилидан бошлаб иккита банк синфлари ва учта бизнес мактаблари фаолият кўрсатётган эмиш. Бу ўқув масканларида 850 нафар бола бозор иқтисодиётига оид мутахассисликни эгаллаш учун билим олишаётган эмиш. Айтинг-айтинг, билимли одам узсин, унсин, уссин!

Болаларнинг жонкуяри Олимжон Исоқжоновнинг нияти ҳам шу.

Президентимиз томонидан маънавиятни ривожлантириш тўғрисида 1997 йил 1 октябрь кунини республикамизда катта байрам қилиб нишонланиши, дам олиш кунини ҳисобланиши барча халқ таълими ходимлари каби Жиззах вилоятидаги устозларга ҳам ката масъулият юклайди. Бу масъулиятни дилдан ҳис қилган вилоят мураббийларига, хусусан суҳбатдошимиз О. Исоқжоновга сихат-саломатлик ва ижодий ишларида омад тилаймиз. Билимдон, маънавияти юксак инсонларни шакллантириш ҳам — катта ижод-да, ахир!
ЮЛДУЗХОН.

чиroy очаётган мустақил юртим пойтахтининг бугунги жамолини қуришдек бахтга муяссар бўлаётганлигим булса, иккинчиси, сеvimли «Тонг юлдузи»нинг ходимлари билан учрашув оилари тобора яқин-

ҲАЯЖОНИМ БОИСИ

лашаётганлиги эди. Булажак суҳбат жараёнини узимча тасаввур қилар эканман, дилга тугиб қуйган гапларимни бир ҳаёлдан утказаман.

Бундан икки йил бурун ҳамкасбим София Кудлошева билан меҳнат дарслари учун янги дастур ишлаб чикдик. Мақсадимиз меҳнат дарсларида халқ амалий санъати турлари бўлган ганч ва ёғоч ўймакорлиги, металлга уйиб гул солиш, гилам туқиш, миллий каштачилик, зардўзлик, узбек миллий таомларини пишириш усуллари

билан ўқувчиларни яқиндан таништириш эди. «Иш»имиз вилоят Халқ таълими бўлими томонидан тасдиқланиб, 250 нусхада чоп қилинган кунлар эди.

— Қилаётган ишларимиз хусусида узимизнинг «Тонг юлдузи» газетамиз билан боғланиб, унда ҳикоя қилсак яхши буларди-да деб қолди Софияхон.

Баҳонада республикамиздаги куп минг сонли болалар, уларнинг устозлари ҳам дастуригимиздан баҳраманд бўлиши мумкинлигини уйлаб қувониб кетдим.

Шу ниятлар билан йулга чиқишимдан олдинроқ эса электрон ҳисоблаш машиналарида буюмлар чизмасини чизиб ва унга кетадиган материални қандай ҳисоблаш-

ни ургатиш борасида ҳам дастур ишлаб чикдик. Буларнинг ҳаммаси тўғрисида албатта газетага мақола беримиз.

Мени безовта қилаётган бошқа бир муҳим масала ҳам бор. Бизнинг ютуқларимиз, кўнглимизда йиғилиб қолган гапларимизни республикамиздаги касбдонларим, шоғирдларимга еядиган бу газетага кечикмасдан обуна бўлиш. Мактабимиздаги куп сонли ўқувчи-ю муаллимларимиздан урнат олиб, бошқаларнинг ҳам «Тонг юлдузи»га обуна бўлиш учун шонилишларини истардим. Бунақа катта минбардан бенасиб қолиш катта ҳато булади.

Баҳодир ШАРИПОВ,
Бухоро вилояти, Ромитон туманидаги Улуғбек номли мактабнинг меҳнат ўқитувчиси.

ДАРАХТНИНГ МЕВАСИ ЎЗ ТАГИГА ТУШАДИ...

ФАРЗАНДЛАРИМ БИЛАН СИРДОШ ДЎСТМАН

Ҳозир ҳам шундай. Турт фарзандим бор. Катта қизим Нафисахон менинг касбимни танлади. 1994 йилги Республика олимпиадасида адабиёт фанидан голиб бўлиб, Бухоро Давлат университетига имтиҳонсиз қабул қилинди. Унинг шахсий кутубхонаси бор. Ундаги китоблар журнал ва газета йиғмалари куп йиллар тупланган.

Навбахорим табиатни севади. Ҳовлимиздаги жониворлар, қуш ва паррандалар жону дили. Шифокор бўлишга аҳд қилган. Бу йил тиббиёт институтига кирди.

Бундан олти йил бурунги бир воқеа ёдимга тушди. Ишдан қайтсам, уғлим Насриддин мени кутиб турибди. Нима гапчилигини сурадим. У: «Онажон, чорагимга иккита уч тушди, кейингисида албатта тузатаман», — деди ерга қараб. Мен дарҳол бу муаммонинг иложини топдим. Уша йилги меҳнат таълимни олиб уғлим билан шугуллана бошладим. Шундай қилиб Насриддин иккаламиз иккита фанни бирга ўзлаштирганимиз. Ҳозир у ун биринчи синфда, яхши ўқияпти. Иқтисодчи бўлмоқчи. Шамсиябонумиз аллақачон узига ҳуқуқшунослик касбини танлаб олган. Болаларим уз мақсадлари йулида қаттиқ меҳнат қиладилар.

Шундай қилиб мен уз оиламисолида болаларга муносабатимни билдирдим, деб ўйлайман.

«Дарахтнинг меваси уз тагига тушади» деган нақл бор. Фарзандларимизнинг мукамал инсон сифатида шаклланиши биз катталарнинг қўлида. Оилада ота-она, таълим-тарбия муассасаларида ўқитувчи ва тарбиячи, корхонада раҳбар шу масъулиятни ҳис этса жамият ютади.

ҲАР ХОНАДА ГАЗЕТА БОР...

Газета, журнал, китоб ўқишга куникмани мактабда муаллим, оилада эса ота-она шакллантириши керак. Ана шу ҳақиқатга риоя қилинган жойда болалар саводхонлиги яхши, фикрлаш қобилияти зур, маънавият кучли бўлади. Телевизор томоша қилиш, радиотингланида ҳам, ҳар кимда ички тартиб бўлиши керак.

Бизда «Тонг юлдузи» газета-



«Бу ёруғ дунёга келиб қувончли кунларни кўп кўрдим. Лекин қизим Нафисага «Сенга сафардан нима олиб қайтай?» деб сўраганимда «китоб» деб жавоб берганда, ўзимни шу қадар бахтиёр сезганманки... Фарзандим китобга ошно бўлибдими, унинг келажигидан хотиржам бўлсам ҳам бўлади», — дея қувончдан ҳайқиргим келган».

Бу сатрларни бизга Бухоро вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Сангча Бахронова обуна муносабати билан йўллаган мақоласида келтирган.

сини фақат ўқувчилар эмас, ўқитувчилар ҳам севиб ўқийдилар. У бошланғич синф муаллимларининг, юқори синф раҳбарларининг тарбия ишларини бажаришларида яқин кумакчидир. Ўқувчиларнинг ҳаётдаги фаоллигини ривожлантиради.

Маълумки, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларга фарқ бўлмаган инсонгина у ҳақда газетага фахрланиб ёки куюнчаклик билан хабар қилади. Ана шундай ёш мухбирларнинг кучлиги Гиждувон тумани, Соктаре қишлоғида жойлашган 3-мактабда ўқишади. Қатор йиллардан буён улар «Тонг юлдузи»нинг фаол мухбирлари сифатида фаолият курсатишапти. Ўқитувчиларимиз ҳам уз фикр-мулоҳазалари билан матбуотда тез-тез қатнашиб турадилар. Утган йили биз 1213 дона «Тонг юлдузи» олиб ўқиётган бўлсак, бу рақам келгуси йилда анчагина ўсишига ҳаракат қиламиз. Ҳозирча обуна давом этмоқда, мухлисларингиз янада кўпайишига ишончимиз комил.

МАКТАБГА ... БОҒЧАДАН

Айни кунларда 783 та мактабгача тарбия муассасаларида кичкинтойларни мактабга тайёрлаш ишлари олиб борилапти. Болаларнинг ақлан ва жисмонан ривожланишини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўйинлар ташкил этилапти. Албатта боғчада махсус тайёргарликдан утган жажжилар билан оилада уз ҳолича бўлган болалар уртасида фарқ бор. Шу сабаб ҳам беш-олти ёшлиларни боғчаларга тортишга алоҳида аҳамият берилапти.

Бозор иқтисоди шароитида оилалар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида

Гиждувон шаҳар ҳокими Иброҳим Жалилов қарори билан шаҳар бюджети ҳисобидан 2 та «Меҳрибонлик боғчаси» очилди. Унда кам таъминланган оилаларнинг болалари бепул тарбияланиб, даволанаптилар. Ҳозир бу ташаббус бошқа шаҳар ва туманларга кучаяпти.

Республика Халқ таълими вазирлиги ёрдамида ривожланган мамлакатлар иш тажрибаларидан урганаёلمиз. Яқинда Германиядан келган мутахассислар иштирокида Республика ўқув семинари ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган мактабгача тарбия муассасалари ходимлари иштирок этдилар. Унда Бухоро шаҳар боғчаларининг иш тажрибаси билан ҳам танишилди.

ҲАР СИНФДА ДАВЛАТИМИЗ РАМЗИ БОР

Вилоятимизда 503 та умумтаълим мактаблари фаолият курсатапти. 41 та гимназия, лицей, иқтидорли болалар мактаб-интернатлари мавжуд. Фанлар чуқур ўргатиладиган синфлар сони 1000 тадан ортди. Бу синфларда дарс бераётган ўқитувчилар маошига 10-20 фоиз кўшимча ҳақ туланапти. Республика талаба танлов Марказининг синовларида, фан олимпиадалари, телеконкурслар ва бошқа беллашувларда ўқитувчи ва ўқувчиларимиз яхши натижаларга эришаптилар.

Ватан остонадан бошланади, дейишади. Биз ҳар бир ўқувчининг уз қишлоғи, шаҳри, тумани, вилояти ҳамда Ўзбекистон тарихи, маданияти, адабий муҳитини урганишга имконият яратаямиз. Шаҳар, туман Халқ таълими бўлимлари қошидаги услубхона мутахассислари, ижодкор ўқитувчилар гуруҳла-

ри зарур дастур ва қўлланмаларни тайёрлаб мактабларга етказаяптилар. Улкаунослик музейлари, тугараклар ташкил этилапти.

Ҳар бир синфда давлатимиз рамзлари бўлишини, ҳар кунги биринчи дарсимиз Давлат Мадҳияси билан бошланишини ташкил қилдик. Жаҳон халқлари тарихини бугунги ёшларга ўргатиш вазифаси ҳам муҳимдир. Чунки ватанпарварлик туйғуси уз борлигини ўзгалар билан солиштириганда яққолроқ куринади.

Вилоятимиз таълим муассасаларида психология хизмати нин жорий қилдик. Педагоглар малакасини ошириш институтида амалиётчи психологларни узимиз тайёрляпмиз. Улар болаларни мактабга қабул қилиш комиссияларида фаол иштирок этадилар. Ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишини кузатиб борадилар. Салбий ўзгаришлар сезилганда ота-оналар ёки синф раҳбарлари, ўқитувчилар билан биргалликда ёрдам бериш ёки даволаш чораларини курадилар. Болаларнинг қизиқиш қобилияти, мақсадини аниқлаб, шу йўналишдаги синфлар ташкил этиш, синфдан ташқари кўшимча таълимни жорий этишда тавсиялар берадилар. Ҳозирда 30 та мактабгача тарбия муассасалари, 100 та умумтаълим мактабларида психологлар фаолият курсатмоқда.

Мен таълим-тарбия муассасаларининг чиройли, болани ҳам, каттани ҳам узига торта оладиган сеҳрли бўлишини орзу қиламан. Мавжуд боғча, мактаб, ҳунар билим юрглари ёмон эмас. Қолаверса, уларни обод қилиш, дид билан безатиш, тоза сақлаш, жиҳозлаш ҳар бир меҳнат жамоасининг узига боғлиқ. Лекин меъморларимиз,

лойиҳачилар узимизнинг табиатимизга, урф-одатларимизга мос бинолар ҳақида уйлалар яхши буларди. Шунингдек, таълим муассасаларини компьютер билан таъминлаш секин борапти. Республика Халқ таълими ва молия вазирликларининг бу борада ёрдамлари керак.

ЎЗ ҲАКИМДА

Гиждувон туманидаги Соктаре қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилганман. Қишлоғимиз Зарафшон дарёси буйига жойлашган. Жуда чиройли, аҳолиси кўп. Дарёнинг ҳар икки қирғоғида Садриддин Айний, Юсуф Ақобиров, шоирлар — Мурод Халил, Топшулат Хамид, Душан Файзий, Ойдин Ҳожиёва, жуда кўп рабоб донишманду алломалар туғилиб ўстанлар.

Шу қишлоқдаги Садриддин Айний номли мактабда ўқиб, таълим олдим. Биринчи синфдан ун биринчига қадар синфком бўлганман. Аҳил эдик. Илғорлар қаторидан тушмасдик. Бир-биримиздан ёрдамимизни аямасдик. Ҳозир ҳам тез-тез тулланиб тураимиз.


Бешинчидан, то битиргунимча узбек тили ва адабиёти ўқитувчимиз Ҳафиза Зикрияева бизга раҳбарлик қилганлар. Уларнинг касбга меҳрлари, инсоний фазилатлари кўп синфдошларимга утган. 24 нафар синфдошимнинг 10 таси ўқитувчилик касбини танлаган.

Бухоро Давлат педагогика институтини тугатиб, уз мактабимда рус тили ва адабиётдан дарс бердим. Болаларни яхши кураман, улар билан тез тил топиша оламан.

ТИЛАКЛАРИМ

Катталар кўпроқ болалар ҳақида уйлалар, чунки нурафшон келажакимиз учун ҳар томонлама етук авлод керак. Уларнинг ақлан ва жисмонан соғлом бўлишлари учун имкониятлари даражасида шароит яратсалар. Болалар бўлса ана шу имкониятлардан яхши фойдаланиб ўқувчилик, усмирлик йилларини мазмунли ва чиройли утиши учун кўпроқ ўқишлари, меҳнат қилишини урганишларини истайман.

Сангча БАХРОНОВА,
Бухоро вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи.



Меҳрибон, меҳри бор муаллим

Бекмурод ака шоғирдлари сенига келганда болалар машгулотлар билан банд эдилар.

— Мусобақалар боғча кунга, яъни бир ҳафта олдинга кучирилибди, демак тайёргарликни кучайтириш зарур, — огоҳлантирди устоз.

Спортчилар тайёргарлик машқларини янада кучайтиришди. Ниҳоят беллашув вақти ҳам етиб келди. Туман мактаблари уртасида бўлиб утган мусобақаларда волейболчилар биринчилиكنи олишди.

Сурхондарё вилояти, Сариев туманидаги 18-мактабда спорт ишлари яхши йулга қуйилган. Бу масканда тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчиси Бекмурод ака Шералиев болаларга устозлик қилади. Волейбол, баскетбол, футбол, тугаракларига қизиқиш катта. Шунинг учун ҳам туман, вилоят биринчилиги учун утказиладиган мусобақаларда доимо голиб бўлишади.

Суратда: устоз маслаҳати олгиндан қиммат.

«ГУНЧА» Ю «ГУЛХАН» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Ёши улуг бир онахон қўлариди «Гунча» журналини курдим, кунглим ёришиб кетди. Айниқса, обуна мавсуми давом этаётган бир вақтда бу менга бошқачароқ таъсир этди, онахонга савол беришга журят этдим.

— Э, болам, салкам қирқ йилдан буён унга узим обуна буламан, — деди менинг саволимга жавобан. — Набирам билан баробар уқийман. Кичикроқлари рангли безакларини маза қилиб томоша қилишса, каттароқлари суратларига қараб эртақ, ҳикоя туқишади, шеърларини ёд олишади. Ҳатто унга қараб ҳарф таниганлари ҳам булган.

Йулда журналхон она билан яна куп суҳбатлашдик. Бари бизнинг «Гунча» ҳақида булди. Кунглим фаҳрга тўлди. Ахир узинг хизмат қилаётган нашр ҳақида яхши гаплар эшитиш албатта яхши экан-да. Яна ҳамроҳимга шуларни ҳам гапириб бердим.

Журналимизнинг келгуси йил, февраль сони «Ватаним Узбекистон — шу азиз Туркистон» деб номланиб, тўлалигича она Ватанга бағишланди. Июль сониди эса Ватанимиз байроғи ҳақида ҳикоя қилинади.

«Гунча»нинг рузгор лафтары, «Лотин алифбоси», «Компьютер ва тест сабоқ-

лари» болаларнинг билимига билим қўшади, давримизнинг ишбилармон ва билимдон фарзандлари бўлишлари учун ёрдам беради.

Кичкинтойлар учун мулжалланган «Богча боғи», «Узинг яса» рукнлари остида материаллар, суратли ҳикоялар, қушиқлар, уйинлар бор.

Шу кунларда обуна мавсуми муносабати билан таҳририятимизга бу ҳақда хат-хабарлар келиб, кунгироқлар бўлиб турибди. Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Мирзо Голиб маҳалласи оқсоқоли Диловар ака Мирбобоев маҳалла жамғармаси ҳисобидан яқин-атрофдаги болаларни обуна қилдирмоқчилар. Бу ташаббусни Ҳамза туманидаги Миршаропов маҳалласи оқсоқоли Саидакбар ака Саиджонов ҳам қўллаб-қувватладилар.

Азиз болажонлар! Сиз ҳам «Гунча»га келгуси йил учун обуна булсангиз расмни лавҳалар, қизиқарли ҳикоялар, қувноқ шеърлар, гаройиб ҳангомалар ҳамроҳингиз булади.

Рауф ТОЛИБ,
«Гунча» журналининг
масъул котиби.

«Гулхан»... Ушбу журнални мустақил Ўзбекистонимизнинг етти ёшдан етмиш ёшгача булган аҳолиси яхши биледи ва севиб уқийди, десам янглишмайман. Бунга мен куп жойларда хизмат сафариди булганимда ишонч ҳосил қилганман. Ҳа, ишонаверинг, мақтанаётганим йўқ.

Бир куни Бухоронинг Вобкент туманига борганимда, мухлисимиз Яқдаста бобо: «Болам, сизларнинг пешонангиз ярақлаган экан. Чунки журналнингизга Абдулла Орифдай ҳасос шоир, Ойдин Ҳожиевадай халқ суйган шоира бош булган. Ҳозир эса Сафар Барно каби болалар қалбининг энг нозик қирраларига уқий оладиган шоир ва ёзувчи етакчилик қилаётган» дейди.

Албатта менга кекса отахоннинг нафақат журналимиз, ҳатто унинг раҳбарлари ҳақида ҳам яхши билиши қувонтириб юборди.

Айтгандай, журналимизга келгуси йил обунаси давом этаётгани, сизларни бу улуг иш-

га даъват этиш мақсадим ҳам бор.

Гап шундаки, қўлингизга етиб борган чиройли, мустаҳкам муқовали журналимизнинг ҳар бир сони сизга азиз, қимматбаҳо совға бўлиши учун астойдил энг шимардик. Рангбаранг гоё, янгилик, антиқа мақолаю хабарларни тақдим қилишга шай турибмиз.

Журналнинг уқимишли, чиройли, қизиқарли чиқишида ҳамкорларимиз ёзувчию мусавирлар — Ҳаким Назир, Шукр Ҳолмирзаев, Анвар Обиджон, Носир Фозилов, Фарҳод Мусажон, Рауф Толиб, Хуршид Даврон, Рустам Зуфаров, Хуршид Зиёхонов, Тоҳир Малик, Эркин Маликлар қаламларини чарқлаб туришибди.

Ҳаётдаги уз урнингизни топишдек мушкул ва масъулиятли сафарга отланган экансиз, «Гулхан» йулдошингиз булсин! Беҳисоб нашрлар ичра «Гулхан»ни танлаган экансиз, нишонни беҳато олибсиз. «Гулхан» сиз билан!

Муҳаббат ҲАМИДОВА,
«Гулхан» журналы бош
муҳаррири ўринбосари.



Бир юз беш ёшга кирган Шарифа момом айтиб турдилар, мен Президентимизга мактуб ёздим.

Қозғозга битганларимни уларга уқиб бердим. Ручкамни олиб, мактуб остига узлари имзо чекдилар, дуоғуй эдилар, юртбошимизга узларининг ёшларини тиладилар. Бир

АЙТАР СЎЗЛАРИ

неча кунлардан кейин момонинг мактуби ҳақида республика газеталари, телевидениеда ахборотлар берилди. Бу кун оила аъзоларимизнинг катта байрамига айланди, момом эса гуё яшаргандай булдилар.

Буларни ёзишимга сабаб яқинда мен иштирок этиб келаётган вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази қошидаги «Ёш мухбирлар» тугарағи раҳбари, республикада хизмат курсатган журналист Арслон ака Отажоновнинг гаплари булди. «Ҳаётингиздаги энг унутилмас, бахтли кунлар ҳақида иншо ёзинглар»

Бизга ёзадилар

дедилар улар.

Ҳа, менинг ҳаётимда энг қувончли ва унутилмас кун — уша табаррук момонинг юрак сузларини оқ қозғозга туширган, юртбошимизга мактуб ёзган дамларим деб биламан.

Қуйи синфларда уқийётган пайтларимда момомга Навоий, Маҳтумқули ва бошқа мумтоз шоирларимиз асарларидан уқиб берардим. Улар эса узун қиш тунлари узлари гувоҳ

БИР КИТОБ ЭКАН

булган воқеаларни гапириб берардилар. Уйлаб қарасам, уларнинг айтир сузларининг ҳар бири битта китоб экан.

Айни кунларда мустақиллигимизни момом айтгандек шарафлаш, уларнинг уғитларини қозғозга тушириш орзулари қанотида яшамокдаман.

Муҳайё ДАВЛАТОВА,
Хоразм вилояти болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази қатнашчиси, 9-синф ўқувчиси.



Бир мақтанчоқ тилшунос олим денгиз сайрига чиқди. У кемага тушибок, даргани гапга солиб, мақтана бошлади:

— Эй, мен билан ҳамсафар булган одам, умрингда тил илмини урганганмисан? Ахир гапларинг дагал-ку?

Кема дарғаси туғриси айтди:
— Йўқ, мен тил илмини уқимаганман. Бу фан сирларидан огоҳ эмасман.

Тилшунос олим кема дарғасини масҳара қилиб:

— Тил илмини урганмабсан, ярим умринг чипакка чиқибди, — дебди.

Кема денгиз соҳилидан кузғалиб, олис денгизлар сари йўл олди. Эртасига ҳаво айниб, бурон туриб, кемани писта пучоғидай чайқата бошлади.

Денгизчи тилшунос олимга қараб, деди:

— Кемамиз кўхна тоғорадай, агда-

Муҳаммад Жалолоддин Румий

КЕМА ДАРҒАСИ ВА ТИЛШУНОС ОЛИМ ҲИКОЯТИ

рилиб кетиши мумкин. Эй, тилшунос олим, сен умрингда сувда сузишни урганибмидинг?

Тилшунос олим кўрқиб кетди ва у ҳам туғриси айтди:

— Йўқ, эй, дарга, мен тил илмига умримни сарфлаб сузишдек арзимас ишга вақтимни сарфламадим.

— Ундай булса, эй, донишманд, — деди кема дарғаси, — сенинг бутун умринг чипакка чиқибди.

ИЗОҲ

Шоир Румий айтади:

— Эй фарзанд, бу дунё ҳаёти шамол, буронларда чайқалиб турган денгиз ёки уммонга ухшайди. Унда чуқиб, гафлат дунёсида гарқ булмаслик учун зарур касбларни ва энг муҳими, ҳалол, пок, иймонли, меҳнатсевар, яхши одам бўлишни ургангин. Ана шунда охират, абадий ҳаётда фалокатга учрамайсан.

Ҳикоятнинг насрий баёнини
Маҳкам Маҳмуд АНДИЖОНИЙ
тайёрлади.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компютериди терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -0578. 7691 нусхала босилди. Қозғоз бичими — А-3. Босишга топириш вақти 19.00 Топирилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
- Нашр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон: 33-44-25